

Бўлажак шифокорларнинг тиббий маданиятни ривожлантириш

ФОЗИЛОВ ФЕРУЗЖОН АБДУМУМИНОВИЧ

Андижон давлат тиббиёт институти

Аннотация: Уибду мақолада тиббиёт институтларида таҳсил олаётган бўлажак шифокорларнинг тиббий маданиятни ривожлантиришининг педагогик зарурати ҳақида фикр юритилган.

Калим сўзлар: тиббий маданият, педагогик гоялар, тиббий таълим, таълим-тарбиянинг методлари

Бугунги кунда инсонлар саломатлигини саклаш борасида фаол, фойдали ишларни амалга ошириш, халқимизнинг тиббий маданиятини юксалтириш энг муҳим долзарб масаладир. Тиббиёт илм-фанига ҳам моддий, ҳам маънавий эътиборни кучайтириш, фундаментал ва илмий-инновацион тадқиқотлар натижаларини ҳаётга жорий этиш орқали жамиятда тиббий маданиятнинг юксалишига эришилади. Натижада бу замонавий миллий тиббиёт равнақининг таъминланишига ижобий таъсир этади. Маълумки, тиббий маданият жамият келажагининг мустаҳкам пойдеворидир. Бу борада аввало, бўлажак шифокорларнинг тиббий маданиятга эга бўлиш заруриятини англаши ва унга қатъият, ўзига ишонч ва масъулият билан ёндашиб, тиббий билимларни ўзлаштиришга жиддий эътибор бериши, тиббий фаолиятнинг назарияси ва амалиёти билан чуқурроқ танишиши, билимларни ҳаёт ва амалиёт билан боғлай олиши зарур. Тиббий маданиятга эга бўлиш учун шахсий рефлексив қобилият таъсирини кучайтириш, янгича ҳаракат қилиш ва янгича фикрлаш,ижодий ёндашиш асосида тараққий этувчи шахс бўлишга эришиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бугунги кунда тиббий маданиятни ошириш, айниқса, тиббиётда илм-фанни ривожлантириш, илмий изланишларнинг устувор йўналишларини аниқлаш ва ўрганишга жиддий эътибор қаратиш муҳим

хисобланади. Маълумки, "Жамият -ислоҳотлар ташаббускори" деган янги ғоя кундалик фаолиятимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Ислоҳотларнинг амалий натижадорлигини оширишда аҳолининг тиббий маданиятини оширишда уларнинг янада фаол ва юксак дунёқарашга эга бўлишига эришиш лозим. Энг асосийси, бу ислоҳотлар натижасида халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратишда долзарб ишларни амалга ошириш талаб этилади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фикри муҳим аҳамиятга эга. "Халқимиз шуни яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва мاشақватли йўл турибди. Барчамиз жипсланиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукаммал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради".

Шарқ донишмандлари айтганидек, "Энг катта бойлик -бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос -бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик -бу билимсизликдир" Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинақам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш педагогик заруратга айланиши керак.

Тиббий маданият тўғрисидаги педагогик ғоялар турли даврда жамият ва шахс тараққиёти билан бевосита боғлиқ ҳолда вужудга келган ва муайян даврнинг ижтимоий буюртмасини ўзида мужассамлаштирган. Бугунги қунда бўлажак шифокорларнинг касбий маҳорати, балки педагогик маҳоратини хам мақсадга мувофиқ ҳолда шакллантириш учун узоқ даврлар мобайнида яратилган педагогик мероснинг муҳим жиҳатларига эътибор қаратган ҳолда саралаш ва таълим-тарбия мазмунига тадбиқ этиш лозим. Тиббий таълим мазмунига буюк мутаффаккирлар меросидан талabalарнинг ўқув-билув ҳаракатларини фаоллаштиришга хизмат қиласиган ёндашувларни ажратиб олиб, сингдириш тақозо қилинмоқда. Чунки тиббий маданият тўғрисидаги дастлабки билимлар буюк аждодларимизнинг педагогик меросига бориб тақалади. Бу эса бўлажак шифокорларнинг тиббий маданиятини

ривожлантиришда методологик асос бўлиб хизмат қиласди. Республикализнинг тиббиёт олий таълим муассасаларида аждодларимиз томонидан яратилган тиббий билимлар ва педагогик меросдан самарали фойдаланиш, унинг шахс имкониятларини кенгайтириш, уни интеллектуал, маънавий-ахлоқий жиҳатдан ривожлантиришдаги назарий-амалий йўналишларини тадқиқ этиш бўлажак шифокорларда ўқув-билув ҳаракатларини фаоллаштиришда мутафаккир аждодларимиз томонидан қўлланилган дидактик воситалар, усул ва методларидан фойдаланиш тизимини вужудга келтириш тақозо қилинмоқда. Аждодларимиз томонидан яратилган педагогик меросни таҳлил ва талқин қилиш, унинг шахс камолотини таъминлашдаги имкониятларини очишга йўналтирилган тадқиқотларни тизимли тарзда амалга ошириш имкониятларини кенгайтириш вазифаси устивор аҳамият

касб этиб, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, Ватанга содик ёшларни тарбиялаш...» устувор вазифа сифатида белгиланган. Бундай ёндашув натижасида аждодларимиз мероси воситасида талабаларнинг ўқув-билув ҳаракатларини кенгайтиришнинг назарий-амалий асосларини тадқиқ қилиш учун қулай ҳукукий меъёрий асос ва ижтимоий-педагогик шарт-шароитлар вужудга келмоқда. Ал-Хоразмий ўзининг “Ал-китоб ал-мухтасар фи-ҳисоб ал-жабр вал муқобала”асарида билимларни эгаллашда кўргазмали воситалардан фойдаланиш, таълимда мантиқий тафаккур, шахсий кузатишда тажрибаларга таяниш, савол-жавоб, бахс-мунозара каби ўқитиш усулларига оид қарашларини баён қиласди. Унинг мазкур йўналишдаги фикрлари бўлажак шифокорларда мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, уларда олган билимларини ҳаётга тадбиқ эта олиш кўникма ва малакаларини таркиб топтиришга хизмат қиласди. У синов-кузатиш, синов-тажриба ва асарларни шарҳлаш методларининг ҳам талабаларда билиш ҳаракатларини ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга

эканлигини таъкидлаган. Ал-Хоразмий абстракция, индукция ва дедукциянинг ҳам шахснинг билиш ва мантиқий фикрлаш имкониятларини кенгайтиришдаги аҳамиятини кўрсатиб берган. Абу Наср Форобий ўз давридаёқ педагогика фанининг вазифаларини ажратиб кўрсатган эди. У таълим-тарбиянинг методлари, усуллари ва воситаларини аниқлаб, назарий жиҳатдан тавсифлаган. Форобий томонидан таълим-тарбияда рағбатлантириш, одатлантириш, мажбур этиш методлари кўрсатиб ўтилган. Мутафаккир илгари сурган таълим-тарбия усуллари бугунги кунда ҳам таълим тизими учун алоҳида аҳамиятга эга. Буюк ватандошимиз Абу Али ибн Синонинг машҳур “Тиб қонунлари” асарида саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари кўрсатиб берилган. Абу Али ибн Сино ёшларнинг мантиқий тафаккурини ривожлантириш, шахсий кузатиш ва тажрибаларга таяниш кераклиги ҳақидаги фикрларни илгари сурган. У гуруҳда ўқитишига оид қимматли фикрларни илгари сурган. Чунки гуруҳ аъзолари билим олиш жараёнида ўзаро ҳамкорликка киришадилар. Натижада уларнинг билиш имкониятлари кенгаяди. Касалликларнинг олдини олиш, гиподинамия-камҳаракатликка қарши оммавий қурашиш, аҳоли кенг қатлами, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш саломат бўлиш ва узоқ умр кўришнинг муҳим омилларидан саналган. “Авесто”да: “Тиббиёт — бу танани соғлом ҳолатда сақлаш санъатидир”, деб ёзилган. Ўша даврдаёқ шахсий ва жамоат гигиенасининг қатъий қоидалари белгилаб берилган. Ичимлик сув, яшаш хоналари ва аҳоли турар жойларининг ҳолатига катта эътибор қаратилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 30.12.2020.
2. Ўзбекистонда прогрессив ижтимоий фалсафий фикрлар тарихига доир материаллар. Т.: 1959. –Б. 15-16

Yangi O'zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o'rni va rivojlanish omillari

3. Рустамов.М.М. Axborot texnologiyalari darslarida zamonaviy ta'lim texnologiyalaridan foydalanish.// “Elektron ta’lim” – “Электронное обучение” – “E-learning” June, 2023, No4, Vol. 2 Navoiy davlat pedagogika instituti.
4. Rustamov.M.M. Enhance students ' knowledge and skills with multimedia tools in an innovative educational environment.// SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL VOLUME 2 ISSUE 10 OCTOBER 2023UIF-2022: 8.2 | ISSN: 2181-3337 | SCIENTISTS.UZ 43- page
5. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: Халқ мероси, 1993. – 224 б.
6. Смотров Ю. Халокат ёқасида. Қарши: Насаф, 2010. –Б. 23.